



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 12 июль, № 142 (9037)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

ЮКСАЛАЁТГАН ИНСОНПАРВАРЛИК СИЁСАТИ

Ушбу шиор Мустақиллик байрами шу-
қухига ва олийжаноб халқимиз эркинлик,
озод, хур яшаш, ўз тақдиримизни
ўзимиз белгилашдек улугвор ҳуқуқдан, бе-
киёс имкониятлардан унумли фойдаланиб
бунёд этаётган янги Ўзбекистонимизнинг
кўрку жамолига, эришилаётган оламшумул
ютуқларга жуда мос ва хос.

Қарорда таъкидланганидек, айнан мус-
тақиллик, барча сиёсий-хукукий кафо-
латларни ўзида мужассам этган ҳолда
“Ўзбекистон — 2030” стратегиямизни амал-
га ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик
ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш,
инсон кадри, ҳуқуқ ва манфаатларини
таъминлаш, минтақамизда яхши қўшнчи-
лик алоқаларини янада ривожлантириш,
дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик
ўрнатиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги
обру-эътиборини юксалтиришда бекиёс
таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Аслида Мустақиллик аталмиш буюк
неъмат ҳам, бугун мамлакатимизда
Президентимиз Шавкат Мирзиёев томо-
нидан амалга оширилаётган ислохотлар
ҳам Ватан учун, миллат учун, халқ учун



бутунлай янги давр, янги ҳаёт нафасини
туҳфа этди.

Одабийликнинг юксак намунаси

Кейинги йилларда амалга оширил-
ган тарихий ислохотлардан бири,
шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг янги таҳрирда
қабул қилингандир. Ушбу ҳужжатда
инсон қадрига олий мезон сифатида
қаралгани уни чинакам бахтимиз қому-
сига айлантирди. Асосий Қонунимиз-
да Ўзбекистон — ижтимоий давлат
деган тамойил белгилаб қўйилди. Бу
халқимиз манфаатларини таъминлаш,
хаёт сифати ва фаровонлигини юк-

салтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.
Бугун ислохотлар марказида инсон ва
унинг кадри, ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимоя-
си турар экан, аввало, жамиятнинг эъти-
бор ва ғамхўрликка муҳтож қатламига
— ногиронлиги бўлган шахслар, тазйиқ
ва зўравонликка учраган фуқароларга
муносиб ҳаёт шароити яратиш
эзгу мақсадга айланди.



«Ҳукумат соати»

ТРАНСПОРТ ВАЗИРИ ДЕПУТАТЛАР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида
навбатдаги «Ҳукумат соати» бўлиб ўтди. Унда
депутатлар “Мамлакатимизда йўл ҳўжалиги
соҳасини такомиллаштириш, бу борада хусусий
сектор иштирокини таъминлаш юзасидан амалга
оширилган ишлар тўғрисида”ги масалани
муҳокама қилди.



Кун тартибидagi ушбу масала
юзасидан депутатларнинг саволла-
рига транспорт вазири И. Маҳамов
жавоб берди.

Таъкидланганидек, сўнгги йил-
ларда мамлакатимизда Президенти-
мизнинг қатор Фармон ва қарор-
лари, қабул қилинган қонунлар асо-
сида йўл ҳўжалигини ислох этиш,
бошқаришнинг замонавий тизими-
ни яратиш ва рақамлаштириш, со-
ҳага хусусий сектор корхоналари-
ни жалб қилиш учун шароит
яратиш, коррупциянинг олдини
олиш бўйича кенг қўламли ишлар
амалга оширилмоқда.

Хусусан, соҳага ақритилаётган
маблағлар улушини кўпайтириш йўна-
лишида 2009 — 2016 йилларда авто-
мобиль йўллари тармоғини такомил-
лаштириш мақсадида жами 9,4 трлн.
сўм маблағ ажратилган бўлса,
2017 — 2024 йилларда ушбу кўрсат-
ки 60 трлн. сўмдан ёки 6 баробарга

орти. 2009 — 2016 йилларда 21 минг
км. йўлларда қурилиш-таъмирлаш
ишлари олиб борилган бўлса, сўнгги
саккиз йилда йўл ишлари ҳажми
5 баробарга ўсиб, 106 минг
км. йўллар ҳолати яхшиланди.
Натижада ўтган саккиз йил да-
вомида таъмирталаб йўллар улуши
68 фоиздан 27 фоизга камайtirилди.
Жорий йилда яна 21 минг км.
дан ортиқ, жумладан, халқаро мо-
лия институтлари маблағлари ҳисо-
бидан 400 км. йўллар реконструк-
ция қилинади ва таъмирланади
ҳамда 320 та кўприк иншооти қайта
тикланади.

“Ҳукумат соати”да йўл ҳўжалиги-
ни бошқаришнинг замонавий тизи-
мини яратиш ва рақамлаштириш,
соҳада коррупциянинг олдини олиш
бўйича кўрилатган чора-тадбирлар
юзасидан маълумот берилди.

Қайд этилганидек, автомобиль
йўлларининг техник ҳолати рақам-

лаштирилган ҳолда назорат қилин-
моқда. Ресурслардан оқилона фой-
даланиш ва иш сифатини ошириш
мақсадида “Йўл таъмирлаш пункти”
ахборот тизими ишга туширилди.

Коррупциянинг олдини олиш
мақсадида Автомобиль йўллари
қўмитасининг “руҳсатнома бериш”-
га доир 5 та функцияси “техник
шартлар бериш” функциясига ал-
маштирилди.

“Ҳукумат соати”да депутатлар со-
ҳага хусусий сектор иштирокини
кенг жалб қилиш, йўлларни халқа-
ро стандартлар асосида қуриш ва
пуллик йўлларни ташкил этиш бўйи-
ча қандай чора-тадбирлар кури-
лаётганини сўради.

Вазирнинг маълум қилишича,
лойиҳа ва пудрат ташкилотлари
тўлиқ “Шаффоф қурилиш” платфор-
маси орқали очик танлов ва тен-
дер савдолари асосида
аниқланмоқда.



ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Мамлакатимиз раҳбарининг Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларига ташрифи
пойтахтда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишларининггина эмас,
мамлакатимизда туризм ва хизматлар соҳасига бўлган янги стратегик ёндашувнинг
амалдаги ифодаси бўлди.



Муносабат

Ташриф чоғида таъкидлан-
ганидек, Бунёдкор кўчасининг
1,5 километрлик қисми бугун
нафақат транспорт йўли, бал-
ки маданий-маиший ҳаёт мар-
казига айланмоқда. Бу ердаги
ободонлаштириш ишлари ва
шаҳарсозлик ечимлари кўчани
халқ учун туну кун хизмат қи-
ладиган ҳудудга айлантиришга за-
мин яратяпти. Савдо шохобча-
лари, гастрономик нуқталар,
санъат галереялари ва мада-
ний масканлари ўзаро уйғун-
ликда жойлашган.
Бу ҳудудга йилига 255 минг



Хосен ПАЙДОВ ёлган суратлар.

киши ташриф буюряпти.
Президент томонидан белги-
ланган стратегик мақсад — бу
рақамни 1 миллионга етказиш.
Бунда шаҳар инфратузилмаси-

ни янада такомиллаштириш,
гастротуризм, маданий тадбир-
лар ва ёшлар учун махсус
лойиҳаларни йўлга
қўйиш режалаштирилган.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА «КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА» ЛОЙИҲАСИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШАПТИ?

Кеча Соғлиқни сақлаш вазирлигида
Коррупцияга қарши курашиш миллий
кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Уни
Олий Мажлис Сенати Раиси, Коррупцияга
қарши курашиш бўйича миллий кенгаш раиси
Танзила Норбоева олиб берди.

Сайёр мажлис

Мажлисида миллий ва
худудий кенгашлар аъзо-
лари, Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг раҳбария-
ти, ҳудудий бошқарма-
лари ва муассасалари
мутасаддилари, шунинг-
дек, давлат органлари
ҳамда фуқаролик жами-
яти институтлари вакил-
лари қатнашди.

Тадбирда соғлиқни
сақлаш тизимидаги кор-
рупциявий ҳолатлар,
уларнинг келиб чиқиш
сабаб ва оқибатлари, ол-
дини олиш чоралари кенг
муҳокама қилинди. Хусу-
сан, Президентимизнинг
2025 йил 19 майдаги
Фармонида белгиланган
вазифалар ижроси, бир-
ламчи тиббий-санитария
ёрдамини такомиллашти-
риш, ахборот техноло-
гияларини жорий этиш
ва “Коррупциясиз соҳа”
лойиҳаси доирасида
амалга оширилаётган
ишлар таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек,
2024 йил давомида
Соғлиқни сақлаш вазир-
лиги тизимида 500 дан
ортиқ коррупцияга оид
жиноятлар қайд этилган.
Уларнинг катта қисми
мансабни суиистеъмол
қилиш, пора олди-берди-
си ва давлат маблағла-
рини талон-торож этиш
билан боғлиқ. Шунинг-
дек, давлат харидлари
соҳасида ҳам қатор
қонунбузилиш ҳолатлари
аниқлангани таъкид-
ланди. Ҳозирги вақтда
бундай ҳолатларни бар-

тараф этиш ва келгуси-
да унга йўл қўймаслик
бўйича зарур чоралар
кўрилмоқда.

Тиббиёт муассасала-
рида рақамлаштириш
жараёнларининг суи-
таётгани, кадрлар тан-
қислиги, ишга қабул
қилишда шаффофлик-
нинг йўқлиги, тиббий
хизматлар сифатининг
турли даражада бўлиши
каби тизимли муаммо-
ларга ҳам алоҳида эъти-
бор қаратилди.

Олий Мажлис Сенати
Раиси ўз нутқида таъкид-
лаганидек, “коррупцияга
қарши курашиш фақат
жазо чоралари билан
чекланиб қолмаслиги
керак. Асосий мақсад —
тизимда сезиларли ўзга-
ришларга эришиш, фуқаро-
ларнинг соғлиқни сақла-
ш тизимига ишончини
мустаҳкамлаш. Бунинг
учун, биринчи навбатда,
ички назорат, очиклик ва
ҳисобдорликни таъмин-
лаш лозим”.

Мажлис якунида
Соғлиқни сақлаш вазир-
лиги ва Коррупцияга
қарши курашиш агентли-
ги зиммасига бир ҳафта
муддатда муҳокама жа-
раёнида билдирилган
таклифларни умум-
лаштирган ҳолда аниқ
чора-тадбирлар режаси
— “Йўл харитаси”ни
ишлаб чиқиш, миллий
кенгашга киритиш вазифа-
си юклатилди.

«Халқ сўзи».

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ



Шу билан бирга, аҳолининг мазмунли дам олиши учун замонавий инфратузилмалар — автотураргоҳлар, пиедаларга қулай йўлақлар, кўнгилочар жойлар яратилди. Президентнинг айтишича, бу каби ҳудудлар «шаҳар юраги» сифатида доимий ҳаракатда бўлиши ва иқтисодий фаоллик манбаи вазифасини бажариши керак.

Мазкур ҳудуддаги ислохотларнинг муҳим жиҳати, бу — тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар. 90 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти туну кун тартибда йўлга қўйилган бўлиб, шуларнинг ярмидан кўпроги, яъни 45 таси янгидан ташкил этилган. Бу орқали 500 дан зиёд фуқаролар доимий иш билан таъминланган.

Ушбу натижалар мамлакатдаги тадбиркорлик муҳитининг ян-

гича даражада шаклланаётганидан далолат беради. Хусусий ташаббусларга давлат томонидан қулай шарт-шароитлар яратилиши иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни ҳам таъминламоқда.

Статистик маълумотларга кўра сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасида 2 мингдан ортқ янги тадбиркорлар фаолият бошлаган. 2023 йилда эса хорижий сайёҳлар сони 10 миллиондан ошиб, тарихий рекорд қайд этилди.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Олмасор, Чилонзор, Яккасарой ва Янгиҳаёт туманларида туну кун фаолият юритадиган кўчалар концепцияси рўёбга чиқмоқда. Бунёдкор кўчаси ана шундай инновацион ёндашувлар намунаси сифатида тан олинди. Ҳозирги кунда шундай кўчалар сони 26 тагача етказиш ва

24 соатлик савдо нуқталарини 1 мингтагача қўлайтириш режалаштирилган. Бу эса шаҳар иқтисодиётини рағбатлантириш, фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, туризм оқимини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини диверсификациялашга ҳисса қўшади.

Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида амалга оширилаётган ўзгаришлар Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичидаги муваффақиятли қадамларидан бири, десак, муболаға эмас. Бунёдкор кўчаси эса нафақат шаҳар инфратузилмасининг бир қисми, балки тараққиётнинг ёрқин рамзига айланмоқда.

Бугун шаҳар кўчалари фақат транспорт воситалари ҳаракатланадиган йўллар эмас, балки одамлар яшайдиган, миллий таомлар татиб кўриладиган, маданият нафасини ҳис қилиш мумкин бўлган жонли маконлардир. Мана шундай замонавий, халқчил ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ислохотлар орқали Тошкент нафақат Марказий Осиёнинг, балки глобал туризм ва тадбиркорлик марказларидан бирига айланиши мумкин.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар, таъқиқ
иқтисодий олоқалар, хорижий
инвестициялар ва туризм
масалалари қўмитаси аъзоси.

ТРАНСПОРТ ВАЗИРИ ДЕПУТАТЛАР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ



Тошкент — Андижон ва Тошкент — Самарқанд пуллик йўлларини қуриш устида иш олиб боришмоқда. Жорий йилда Тошкент — Андижон пуллик йўлини қуриш лойиҳасининг 1-босқичи доирасида тендер савдоларини якунлаб, қурилиш ишларига старт бериш ҳамда Тошкент — Самарқанд пуллик йўлини қуриш бўйича салоҳиятли компаниялар билан келишув битимини имзолаш кўзда тутилган.

Вазирнинг қайд этилишича, сўнгги тўрт йилда ички йўллارни қуриш ва таъмирлашга 15 трлн. сўм ажратилган. Маҳаллаларда, чекка қишлоқларда ҳам кўчалар босқичма-босқич равоён бўлиб, аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, 2025 йилда ҳар бир туман ва шаҳарлардаги ички йўллари таъмирлаш ҳамда сақлаш ишларига республика бюджетидан 832 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, жорий йилда Ободонлаштириш бошқармаларига йўналтирилиши мўлжалланган маблағлардан ташқари Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидagi “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат муассасалари томонидан “Ташаббусли бюджет” ва “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурлари доирасида 3,6 минг км. ички йўллари таъмирлаш режалаштирилган.

“Хукумат соати”да депутатларнинг йўллари қуриш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, маҳаллий йўллари таъмирлаш ва сақлаш ҳамда бу ишларнинг сифатини ошириш бўйича саволларга вазир батафсил жавоб берди.

Депутатлар томонидан ҳар бир маҳалла кесимида қайси йўл қачон таъмирланиши ҳақида очиқ маълумотлар жойлаштирилаётган портал ишлаб чиқиш ва уни ишга тушириш борасида тақлиф билдирилди. Вазир мазкур портални ишга туширишини маълум қилди. Кун тартибидagi масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ЙЎЛЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ — КЎНГИЛЛАР ХОТИРЖАМЛИГИ



Сир эмас, бугунги кунда жамиятимиз олдидаги катта муаммолардан бири йўллар билан боғлиқ масалалар бўлиб, йўлларимизнинг сифати, ҳар кун содир бўлаётган ўғирлик йўл-транспорт ҳодисалари ва у билан боғлиқ ўлимлар ушбу соҳа фаолиятини жиддий қўриб қиқишни тақозо қилаётган эди. Кун кеча Президентимиз раислигида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш ва йирик шаҳарлардаги тирбандликларни камайтиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши шу каби муаммолар ечимида муҳим аҳамият касб этди.

Акс садо

Йиғилишда тилга олинган ҳар бир мулоҳаза, ҳар бир факт — юртошларимиз хавфсизлигига дахлдор масала сифатида долзарб ва ўта муҳим. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган таҳлиллар ва тақлиф этилган аниқ чора-тадбирлар соҳада янги босқични бошлаб бериши, мутасаддиларнинг масъулиятини янада ошириши, шубҳасиз.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, йўллар қури-

лиши ва таъмири учун 61 трлн. сўм йўналтирилиб, ички ишлар органлари фаолияти рақамлаштирилган ва сўнгий интеллект элементлари қўлланилмоқда. 8 та хизмат тури аутсорсингга берилиб, йўлларда қўлайлик яратиш бўйича қатор енгилликлар жорий этилган.

Бироқ статистика шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам ечимини кутаётган муаммолар етарли. Йил бошидан бўён 20 та ҳудудда авариялар сони юқори даражада сақланиб қолмоқда. 2024 йилда 9 мингдан ортқ ИТХ юз бериб, 2 мингдан зиёд инсонлар ҳалок бўлгани эса бу борада

олиб борилаётган ишларнинг кўнгилдагидек эмаслигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган “Хавфсиз йўл” миллий дастури ҳамда “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиеда” жамғармасининг фаолияти йўлларда хавфсизлигини таъминлашда янги механизмлар, самарали маблағлар тақсимо-ти ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг замонавий усули сифатида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шу билан бирга, ҳар бир вилоят ва туман ҳокимлари, ички ишлар раҳбарлари ўз ҳудудидаги йўлларнинг ҳолати, йўл белгилари, пиедалар йўлақлари ва ёритиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиши, аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда фаолият юритиши зарур. Электрон платформа орқали жамоатчилик иштирокини таъминлаш ташаббуси эса фуқароларни ушбу жараёнга жалб қилишда муҳим ўрин тутди.

Йиғилишда Президентимиз томонидан турли давлат идо-

раларининг маъмурий бинолари атрофидаги асоссиз “парковка”лар ва йўлларнинг тўсиб қўйилган ҳолати кескин танқид қилинди. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг кундалик ҳаётида ноқулайликлар туғдирмоқда. Бу каби ҳолатларга қарши қатъий чоралар қўрилиши белгиланди. Шунингдек, давлат хизматчилари жамоат транспортидан фойдаланишда намуна бўлиши кераклиги, йўлларда устунлик масаласига қайта ёндашиш зарурлиги таъкидланди.

Айтиш жоизки, мазкур йиғилиш нафақат соҳадаги мавжуд муаммоларни кўтариш, балки уларни ҳал этишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган муҳим қадам бўлди. Зотан, йўл инфратузилмаси, хавфсизлик тизими, фуқаролик жамияти ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Мазкур видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси қатъий назоратга олиниши ва фуқаролар манфаатини таъминлаш йўлида мутасаддиларнинг масъулияти янада оширилиши лозим. Бу йўлларимизнинг хавфсизлиги ва кўнгилларимизнинг хотиржамлигига хизмат қилади.

Мойра ТОШОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси аъзоси.

НАТИЖАДОРЛИК — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили ҳар бир соҳа тараққиётига масъулият билан ёндашишни тақозо қилади. Яқинда шу бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида жорий йилнинг беш ойидаги эришилган иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар қайд этилиши баробарида ҳудудлар ва тармоқлар кесимида тизимли камчиликлар ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан аниқ вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Мушоҳада

Бунда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилиши белгиланди. Президентимиз аҳолининг дарду ташвишларини аши-тиб, одамларга шароит яратиш раҳбарларнинг асосий вазифаси эканига ургу бериб, ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдири, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигини кераклигини, халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурият эканини таъкидлади.

Ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Туманларда соҳа мутасаддилари ва етакчи тадбиркорлардан иборат “Ислохотлар штаби” тузилиши назарда тутилгани эътиборга молик. Мазкур тузилма орқали маҳаллалар кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрланиши, келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари шу асосда тасдиқланиши белгиланган бўлиб, ушбу муҳим ҳаётдаги қўйилди. Ушбу муҳим ҳаётдаги қўйилди. Ушбу муҳим ҳаётдаги қўйилди.

Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида бўш жойларни топиб, яшил ҳудуд, одамлар тоза ҳавога чиқиб ўтирадиган жойлар, спорт майдончалари, фаввораларни кўпайтириш лозимлиги юзасидан топшириқлар берилди, бу, ўз навбатида, одамларнинг эътирозига сабаб бўлаётган айрим масалалар, яъни бор спорт майдончалари ва болалар ўйингоҳлари, уйлар орасидаги яшил ҳудудлар қурилиш учун бериб юборилаётганига оид муаммоларга ечим бўлади.

Таъкидлаш лозимки, бугун глобал iklim ўзгариши оқибатларини барча бирдек ҳис қилиб турибди. Шундай шароитда яшил ҳудудларнинг, аҳоли тоза ҳавога чиқиб дам оладиган жойларнинг ўрни беқиёслигини тушунайидиган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий ва “Менинг боғим” лойиҳалари доирасида 200 млн. туپ дарахт ҳамда буталар екиш, “Соғли сайр кўчалари” тармоғини яратиш, Орол денгизи тубида 100 минг гектар яшил май-

дон барпо этиш ва Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 2,1 млн. гектарга, ўрмон билан қопланган майдонларни 4,1 млн. гектарга етказиш мўлжалланган. Бу борада муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни 14,5 фоизгача кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар маҳаллаларимизнинг экологик қиёфасини яхшилаш, ҳудудларда яшиллик даражасини ошириш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ўтган 2024 йилдан бошлаб “Очқ бюджет” ахборот портали орқали фуқаролар ташаббуси билан шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳамда унга туташ ҳудудларда “Менинг боғим” лойиҳалари доирасида “яшил боғ” ва “яшил жамоат паркларини” барпо этиш тизими яратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу лойиҳа доирасидаги юмушлар учун Давлат бюджетидан жами 52 млрд. сўм маблағ ажратилиб, 208 та туман ва шаҳарда 215 та яшил ҳудуд барпо этилди.

Шу ўринда парламент вакиллари ташаббуси билан яшил ҳудудлар муҳофазасига қаратилган — “Ер устакаларида фойдаланиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганини қайд этиш лозим.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни хусусийлаштириш ёки бегоналаштириш, уларнинг ҳудудларини қисқартириш, мазкур ҳудудларда бино ва иншоотлар қуриш тақиқланишини, ушбу чекловларни бузганлик учун жавобгарлик қўчайтирилишини, ботаника боғларини хусусийлаштириш ва уларнинг ҳудудларида қурилиши амалга ошириш тақиқланган ҳолда ботаника боғларининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рўйхатига кири-тилишини назарда тутди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар, илгари сурилган конструктив ташаббуслар мамлакатимиз ривожига туртки бериши билан бир қаторда, аҳолиимизнинг фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Экология ва
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
масалалари қўмитаси раиси.

БИРЛИК ВА КЕЛАЖАККА БЎЛГАН ИШОНЧ РАМЗИ



2017 йилдан бери мамлакатимиз иқтисодиётга киритилган хорижий сармоялар ҳажми 40 млрд. доллардан ҳажми кетди. Тўғридан-тўғри инвестициялар оқими 2,5 баробардан кўпроққа ўсди, юзлаб янги саноат корхоналари ва логистика марказлари ишга туширилди. Бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш борасида Ўзбекистон “Doing Business” халқаро рейтингидан ўз мавқеини энг тез яхши-лаётган давлатлар қаторидан жой олди.

Рақамли иқтисодиётга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2022 йилда IT-хизматлар экспорти илк бор 1 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. IT-парклар шиддат билан ривожланмоқда, Тошкент, Бухоро ва Андижонда янги кластерларга асос солинди.

Энергетика соҳасида тарихий қадам қўйилди — санок-

ли йиллар ичида юртимизда энг йирик қуёш ва шамол электр станциялари барпо этилди. 2023 йилда Навоий ва Бухоро вилоятларида ишга туширилган янги электр станциялари ўн минглаб хонадон ва корхоналарни “яшил” энергия билан таъминламоқда. 2030 йилга бориб мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия улуши 40 фоиздан ошиши кўзда тутилмоқда.

Таълим соҳасида кенг қўлмалли ислохотлар бошланган, халқаро майдонда Ўзбекистон ишончли шерик ва ҳамкорлик ташаббускори сифатидаги мақомини мустаҳкамлапти. Сўнгги саккиз йил ичида мамлакатимиз, ҳақиқатан ҳам, сезиларли ютуқларга эришди ва барқарор ривожланиш, очиклик ва модернизация йўлидан боришда давом этмоқда. Дунёнинг етакчи университетларининг филиаллари очилди. Дуал таълим тизими ва қўш

диплом дастурлари йўлга қўйилди, натижада амалий кўникмаларга эга бўлган ёш мутахассислар сони тобора ортиб борапти.

Иш ўринлари иқтисодий стратегиянинг асосий устунларидан биридир. Сўнгги йилларнинг ўзида минглаб лойиҳалар амалга оширилиб, янги корхоналар, устакхоналар ва кооперативлар ташкил этилди. 2025 йилга келиб, маҳалалардаги бандлик микромарказлари, ҳунармандчилик ва “яшил” энергетикани ривожлантириш орқали 5 миллиондан ортқ кишиларни иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Ёшлар ва аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани эътиборга молик, албатта. Бугун мамлакат бўйлаб “Ишга марҳамат” мономарказлари очилмоқда, бу ерда замонавий касбларни ўрганиш имконияти мавжуд. Хусусий таълим муассасаларида ўқиш

учун рақамли платформа ишлаб турибди, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун эса таълим олишга фоизсиз кредитлар ажратиш йўлга қўйилган.

2015 йилда мамлакатдаги камбағаллик даражаси 36 фоиздан юқори бўлган бўлса, 2023 йилга келиб у 11 фоизгача пасайди. Бу муваффақиятга манзилли ёрдам туфайли эришилди. “Темир дафтар”, “аёллар дафтери”, “ёшлар дафтери” давлатга кимининг нимага муҳтожлигини аниқлаб, аҳолига ўз вақтида ёрдам кўрсатишга имкон бермоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида камбағаллик даражасини 4 фоизгача тушириш каби улкан мақсад қўйилган. Бу рақамлар ортида янги иш ўринлари, таълим ва давлат ғамхўрлиги туфайли ҳаёти яхшиланаётган миллионлаб инсонлар тақдири турибди.

Алоҳида қайд этиш жоиз, янги тахрирдаги Конституция-миз Ўзбекистонини ижтимоий давлат сифатида мустаҳкамлади. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолият юритаётгани, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилгани ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизни янада кенгайтирди. Зотан, бу ерда ҳар бир фуқаро ёрдам ва қўллаб-қувватлов олиши мумкин. Бугунги кунда 2 миллиондан ортқ оиалар ёрдам тизими билан қамраб олинган, бу бир неча йил аввалгига нисбатан 4 баробар кўпдир.

Айниқса, ғамхўрликка муҳтож бўлган кишилар — фахрийлар, имконияти чекланган шахслар, кексалар ва болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат фақат моддий томонни таъминлаш билангина чекланмайдиган, яъни ҳар бир инсон муносиб ҳаёт кечириши, таълим олиши, ишлаши ва ривожланиши учун

шароит яратади. Ҳудудларда янги йўллар ва мактаблар қурилмоқда, шифохоналар очилмоқда, бу эса ижтимоий қўллаб-қувватлашни расмиятчиликдан ҳақиқий ёрдамга айлантирмоқда.

Ўзбекистон учун мустақиллик шунчаки тарихий воқеа эмас, балки янги замоннинг, янги Ўзбекистон даврининг бошланишидир. Бу даврда ҳамма нарсанинг марказида инсон, унинг меҳнати, шаъни ва қадр-қиммати туради. Мустақиллигимизнинг 34 йиллигини нишонлар эканмиз, кўп ишлар амалга оширилганини, лекин олдинда янада кўпроқ вазифалар турганини англаймиз. Бу сана шунчаки байрам эмас, балки босиб ўтган йўлимиз, бирлигимиз ва келажакка бўлган ишончимиз рамзидир.

Ғолия РАЙХАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

«Fitch Ratings» агентлиги томонидан давлат корхонаси сифатида «Навоийур» ДКнинг рейтинг бўйича қўллаб-қувватлаш кўрсаткичи 20 баллдан 30 баллгача оширилди ва «кучли» (strong) тоифа билан баҳоланди.

ЮКСАЛАЁТГАН ИНСОНПАРВАРЛИК СИЁСАТИ

Адолат ва ижтимоий тенглик тамойиллари ҳаётга татбиқ этиладиган ижтимоий давлатда инсон нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланади. Бу иш билан бандлик, муносиб иш ҳақи, хавфсиз меҳнат шароити, уй-жой масаласида ҳар бир фуқарога имконият яратиш улуг қадрият даражасига олиб чиқилади.

Шунингдек, давлат томонидан бирламчи ижтимоий кафолатлар, яъни инсон ҳаёти учун зарур бўлган истеъмол товарлари миқдори, даромад ва хизматлар ҳажми белгиланмоқда. Бу, ўз навбатида, камбағалликни қисқартириш, меҳнат бозорига барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшади.

Ўзбекистон бугун ижтимоий давлат барпо этиш сари дадил қадам ташламоқда. Инсон манфаатлари устувор ҳисобланган, тенглик ва адолат асосида қурилайётган бу тизим халқ фаровонлигига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўналишида амалга оширилайётган ислохотлар ортида бир эзгу мақсад мужассам — ҳар бир инсоннинг орзу-интилишларига муносиб шарт-шароит яратиш. Шу маънода, жорий йилнинг 20 июнида қабул қилинган ҳукумат қарори алоҳида эътиборга молик. Унга кўра, давлат томонидан кафолатланган тарзда берилувчи протез-ортопедия воситалари ва реабилитация жиҳозлари рўйхати янада кенгайтирилди, яъни илгари 30 тур ўрнига эндиликда 38 турдаги мосламалар билан таъминланади.

Мухими, ушбу янгиллик ногиронлиги бўлган ёшлар ва болалар учун ҳаёт сифатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Энди улар болалар учун кресло-аравача, электрон скутер, функционал кроват, махсус матрас, бионик қўл протези ва бошқа зарур воситалар билан бепул таъминланиш имкониятига эга бўлади.

Янги турдаги воситалар бўйича эҳтиёж йилига 21,9 минг нафар шахсни қамраб олиши кутилмоқда. Бу мақсадлар учун давлат томонидан қўшимча 68,4 млрд. сўм маблағ ажратилади. Қолаверса, протез ва реабилитация воситасига муҳтожлик тиббий кўрсатмалар асосида, мутахассислар ёки эксперт комиссиялари ҳулосасига биноан белгиланади.

Шу билан бирга, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари биноларида тадбиркорлар томонидан ушбу воситаларни таъмирлаш ва қайта фойдаланиш тизими йўлга қўйилди. Бу эса ресурслардан самарали фойдаланиш ва эҳтиёжманд аҳолини қўпроқ қамраб олиш имконини беради.

Аниқ режа, ажратилган маблағ ва пухта ечим ижтимоий давлатнинг қиёфасини белгилайдиган асосий мезонлардир. Юртимизда бу мезонлар амалда ўз исботини топаётгани эса инсон қадрини энг юксак даражага кўтаришдан далолат беради.

Ҳаётга қайтишга елкадош масканлар

Оғир касалликдан кейин ёки турли саломатлик муаммолари билан ҳаётга қайта мослашишга ҳаракат қилаётган инсонлар учун ҳар томонлама қўмак низоҳида зарур. Ана шундай пайтда реабилитация марказлари аҳолининг муҳтож қатламига фақатгина тиббий ёрдам эмас, балки умид, эртанги кунга ишонч улашади.

Бундай марказлар ногиронлиги бўлган шахслар, у ёки бу даражадаги зўравонлик қурбонлари, узоқ даволанишни бошдан кечирган беморлар ва бошқа эҳтиёж-



манд фуқароларга жамиятга тўлиқ қўшилиш имконини яратади.

Аввало, тиббий реабилитация жараёнида жисмоний саломатлик тикланади. Бу йўналишда физиотерапия, массаж ва даволувчи гимнастика каби усуллар орқали беморнинг ҳаракат қобилияти яхшиланади, оғриқлар камаяди.

Бироқ соғломлашиш фақат тана билан эмас, руҳ билан ҳам боғлиқ. Шу боис психологик реабилитация алоҳида аҳамиятга эга. Психологлар ва психотерапевтлар инсоннинг руҳий барқарорлигини тиклашга ёрдам беради. Ижтимоий реабилитация эса кишини ўз ҳаётини мустақил ташкил қилишга тайёрлайди: жамиятга мослашув, мулоқот кўникмалари, таълим олиш ва ишга жойлашишда қўмаклашади. Бунда ижтимоий ходимлар, педидагоглар ва қўллаб-мутахассислар биргаликда иш олиб боради.

Шу билан бирга, касбий реабилитация ҳам муҳим. Ногиронлиги бўлган шахсларга касб ўргатиш, малака ошириш, ишга жойлашишда қўмаклашишда амалий ёрдам кўрсатилади. Бу фуқароларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда улкан қадам ҳисобланади.

Қолаверса, реабилитация марказлари фуқароларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам ҳам кўрсатади: нафақа, пенсия ва бошқа ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш, ҳуқуқий масалаларда маслаҳат олиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда хотин-қизларни турли таъйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос реабилитация амалиёти ҳам йўлга қўйилган.

Албатта, замонавий реабилитация фақатгина маслаҳатлар билан чекланмайди. Протез-ортопедик воситалар, махсус техник жиҳозлар, транспорт ва муҳитни мослаштириш — буларнинг барчаси имконияти чекланган инсонлар учун тенг шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар ҳуқуқи — ҳамиша устувор

Хабарингиз бор, Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб мамлакатимизда оиладаги зўравонлик жиноий жавобгарлик сифатида белгиланди. 2019 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ва “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар бугун мазкур йўналишдаги тизимли ислохотлар учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Гендер тенгликни таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигига эришиш стратегия қабул қилинди. Қонунчиликка гендер экспертиза, гендер бюджет, гендер аудит каби илғор тушунчалар киритилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Соҳада 30 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. 2023 йилда эса хотин-қизлар ва болалар

ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш мақсадида 5 та кодекс ва 10 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ислохотларнинг манتيқий давоми сифатида 2024 йил 10 майда Президентимизнинг “Таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланди. Ҳужжатга асосан, “оила — маҳалла — туман ва ҳудуд” тамойилига таянилган комплекс ижтимоий хизматлар тизими жорий этилди.

Энг муҳими, таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган аёлларга ҳимоя ордери талаб этмасдан ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш тартиби йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг “102” рақамига келиб тушган муножаатлар асосида зўравонлик ҳолатлари расмий рўйхатга олинади

“Ўзбекистон бугун ижтимоий давлат барпо этиш сари дадил қадам ташламоқда. Инсон манфаатлари устувор ҳисобланган, тенглик ва адолат асосида қурилайётган бу тизим халқ фаровонлигига хизмат қилиши, шубҳасиз.”

ва 24 соат ичида тегишли чоралар кўрилади. Жумладан, зўравон шахс билан суҳбат ўтказиш, ҳимоя ордери расмийлаштириш, зарурат туғилганда жабрланган хотин-қизлар ва фарзандларини тиббий ёрдам муассасаларига жойлаштириш чоралари кўрилади.

Буларнинг барчаси “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда.

Сирасини айтганда, жамиятда хотин-қизларга нисбатан таъйиқ ва зўравонликка мурасасиз муносабатни шакллантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий таъминлаш янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу борада эски қарашлар ва стереотипларга қарши кенг қамровли маърифий ишлар давом эттирилиши зарур.

Болаларнинг ёруғ келажаги учун янги йўл танланди

Давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялаш ва ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, дунёда етим болаларнинг яъни ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинмаган, бироқ Ўзбекистонда бу соҳада вазият бутунлай бошқача.

Хусусан, Президентимиз томонидан илгари сурилган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижтимоий етимликка қарши мустаҳкам ҳуқуқий ва амалий асос бўлди. Унда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга оилага яқин муҳитда ғамхўрлик қилиш, васийлик ва фарзандликка бериш каби йўллар устуворлиги таъкидланган. Иختисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш энг сўнгги чора сифатида белгиланган.

Шунингдек, оилавий болалар уйларида тарбияланаётганларга таълим ва парвариш харажатлари қопланади. “Оналар маскани” ташкил этилиб, оналарга ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади, уларни касбга ўргатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Юқорида тилга олганимиз “Инсон” ижтимоий хизматлар марказ-

лари болаларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатлари учун хизматга шай. Марказ қўмакка муҳтож болаларнинг турмуш шароити ҳамда ёрдамларнинг мақсадли ишлатилишини мунтазам назоратга олади.

Яна бир муҳим қадам: Президентимиз томонидан имзоланган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун бўлиб, у болаларни зўравонликдан ҳимоялашда давлат ваколатларини аниқ белгилайди.

Болалар ҳуқуқларини таъминлаш бугунги кунда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу йўналишдаги ислохотлар халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди.

Параспорт — чексиз имкониятлар майдони

Жисмонан имконияти чекланган шахсларни спортга жалб этиш борасида ҳам ўзгаришлар ижобий. Ҳозирги кунда юртимизда 19 та па-

распорт тури бўйича машғулотлар ташкил этилган бўлиб, 25 мингга яқин ногиронлиги бўлган фуқаролар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Имкониятларни янада кенгайтириш мақсадида давлат спорт мактабларида адаптив спорт гуруҳлари яратиш, маҳалла майдончаларини ногиронлиги борлар учун мослаштириш каби чора-тадбирлар режалаштирилмоқда. Шунингдек, “ERP-sport” электрон тизими орқали ногиронлиги бўлган спортчиларнинг имкониятларига мос спорт турлари аниқланади.

Реабилитация марказларида жисмоний терапия ва физиотерапия каби замонавий усуллар кенг қўлланилмоқда, шу билан бирга, адаптив жисмоний тарбия мутахассислари тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратирилмоқда.

Ногиронлиги бўлган спортчиларга эътибор, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилайётган ишлар, албатта, ўз мева-сини бермоқда. Хусусан, ўтган йилги XVII ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси матонатли иштироки билан мустақил мамлакатимиз тарихидаги энг яхши натижага эришди. Юрдошларимиз 10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза, жами 26 та медал билан “Париж — 2024” Паралимпия ўйинларида умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллади. Бу оламшумул натижа ҳар биримизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди.

Халқаро мусобақаларда муваффақият қозongan спортчилар ва мураббийларини моддий рағбатлантириш тизими ҳам йўлга қўйилган. Бу ҳам инсон қадрини улуғлашга, спортчиларимизни янги марралар сари руҳлантиришга хизмат қилмоқда.

Чиндан ҳам, ногиронлиги бўлган шахсларга спорт орқали ярати-

лаш имконияти янада кенгайтирилмоқда. Дарҳақиқат, жонаҳон Ватанимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Ҳар бир фуқароннинг манфаатини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб ҳаёт ва ёруғ келажақ яратиш борасидаги интилишлар қатор соҳаларда намойён бўлмоқда. Амалга оширилайётган ислохотлар орқали аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашга эришилмоқда.

Инсон қадрини улуғлаш гоёси эса бугунги ислохотлар марказида турибди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Буларнинг барчаси Мустақиллик берган улуг нёъматнинг бебаҳо натижаларидир.

Мадамин МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ректори,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи Народное слово ТАНЛОВИГА

лаётган бу каби имкониятлар уларнинг жамиятдаги фаол иштирокини оширади ва ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Бандлик йўналишига қўшимча рағбат ва имтиёзлар

Юртимизда 700 га яқин корхоналар ва 8 мингдан ортиқ яқка тартибдаги тадбиркорларнинг яримида ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат қилади. Ушбу фаолият қўлами жамиятда ижтимоий фаоллиқни оширишда муҳим ўрин тутаяди. Биргина ўтган йилнинг 1-2 май кунлари ўтказилган “Инсон учун” кўргазмасида ушбу корхоналарнинг маҳсулотларини намойиш этилди ва умумий қиймати 360 млрд. сўмлик шартномалар имзоланди.

Бу борада аҳолига кенг имконият яратиш мақсадида ходимлари сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бор шахслардан иборат бўлган ташкилотлар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг маҳсулотларини давлат буюртмаси бўйича тўғридан-тўғри шартнома асосида харид қилишга рухсат бериш тақдир этилмоқда. Бунинг натижасида 3 мингга яқин тадбиркорлар томонидан қўшимча 20 мингга яқин ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш имкони яратилди.

Демак, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган муҳим қадамлар амалга оширилмоқда.

Тиббиёт олийгоҳида ҳам ижтимоий ҳимоя мустаҳкам

Андижон давлат тиббиёт институтида ҳам ижтимоий ҳимоя соҳасида амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 2024 йилда касаллик ёки соғлиғида муаммо туфайли 79 нафар профессор-ўқитувчи ва ходимга 122 млн. сўмдан зиёд, 2025 йилнинг биринчи яримида эса 62 нафар ходимга 103 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам ажратилди.

Талаба-ёшлар ҳам эътибордан четда қолган эмас. 2024/2025 ўқув йилида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган 103 нафар талабага жами 223 млн. сўмлик моддий рағбат берилди.

Институт касабая уюشمаси томонидан соғлигини тиклашга муҳтож 72 нафар ходимга шиғоббахш масканларга йўлланмалар берилди, уларнинг 20 нафар фарзанди эса ёзги дам олиш оромгоҳларига юборилди. Байрамлар муносабати билан 30 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларига озик-овқат тўпламлари ҳамда эсдалик совғалари тарқатилди.

Мазкур тадбирлар институтда инсонпарварлик, меҳр ва эътибор муҳитини мустаҳкамлаб, жамоа аъзоларида ўзаро ғамхўрлик ва бирдамлик ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, жонаҳон Ватанимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Ҳар бир фуқароннинг манфаатини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб ҳаёт ва ёруғ келажақ яратиш борасидаги интилишлар қатор соҳаларда намойён бўлмоқда. Амалга оширилайётган ислохотлар орқали аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашга эришилмоқда.

Инсон қадрини улуғлаш гоёси эса бугунги ислохотлар марказида турибди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Буларнинг барчаси Мустақиллик берган улуг нёъматнинг бебаҳо натижаларидир.

Мадамин МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ректори,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.



Оқ уй Африка давлатларига муҳожирлар бўйича таклиф юборди

“The Wall Street Journal” нашрида хабар беришларича, таклиф Габон, Гвинея Бисау, Либерия, Мавритания ва Сенегал ҳукуматларига йўлланган. Оқ уй бу каби ҳамкорлик АҚШ билан савдо алоқаларини кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлаган.

Хабарларга кўра, Президент Д. Трамп мазкур давлатлар етакчилари билан иқтисодий ва хавфсизлик масалаларига бағишланган саммит доирасида учрашув ўтказишни режалаштирган. АҚШ Президенти маъмурияти Молдова ва Косовога ҳам шу мазмундаги норасмий таклифлар юборгани хабар қилинганди. Бундан ташқари, АҚШ Бенин, Руанда, Ливия, Эсватини ва Мўғулистон билан ҳам депортация масаласида музокаралар олиб бормоқда.

Эслатиб ўтамиз, гап АҚШдан депортация қилинаётган, аммо ўз ватани қайтариб олишдан бош тортаётган ёки жараёни кечиктираётган муҳожирлар масаласи ҳақида кетмоқда.

Буюк Британия муҳим синов арафасида

Жорий йилнинг 7 сентябр куни соат 15:00 да Буюк Британиядаги барча смартфонларда фавқулодда огоҳлантириш тизими ишга тушади. Яъни 85 миллионга яқин қурилмалар бир вақтнинг ўзида 10 сония давомида овозли сигнал чиқаради.

Бу фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш миллий тизими кенг қамровли синовининг бир қисмидир. Шунингдек, телефон экранида матнли хабар ҳам пайдо бўлади. Огоҳлантириш фуқароларни таҳдидлар ёки бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақида тезкор хабардор қилиш учун мўлжалланган.

Мазкур тизимлар АҚШ, Япония, Германия ва бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд. Базиллар Финляндия каби ҳар ойда, бошқалари — йилига бир марта шундай синовларни ўтказаяди.

Иш ва ҳаёт мувозанати мутаносиб мамлакатлар рейтинги

“Remote” платформаси вакиллари ўтказган тадқиқот дунёнинг энг йирик иқтисодиётга эга 60 та давлатини қамраб олган. Мамлакатлар ҳақ тўланадиган таътил кунлари сони, бола туғилганида ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражаси, энг кам иш ҳақи, тиббий хизмат сифати, хавфсизлик ва бaxт даражаси бўйича баҳоланган.

Рейтингда Янги Зеландия биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўринни универсал соғлиқни сақлаш тизими ва энг кам иш ҳақи миқдори юқори бўлган Ирландия эгаллади. Учинчи ўрин Европадаги энг кам иш ҳақи миқдори юқори бўлган ва ишончли ижтимоий кафолатларга эга Бельгияга насиб этди.

Унналикка Германия, Норвегия, Дания, Канада, Австралия, Испания ва Финляндия ҳам кирди.

Жазирама одамлар умрига зомин бўлмоқда

23 июндан 2 июлга қадар Европанинг 12 та шаҳрида 2,3 мингта яқин кишилар жазирама сабаб вафот этди. Бахтсиз ҳодисаларнинг асосий қисми (88 фоизи) 65 ва ундан катта ёшдаги одамларда учраган. Бу ҳақда Лондон Империял коллежи ҳамда Лондон гигиена ва тропик тиббиёт мактаби олимлари томонидан ўтказилган тезкор тадқиқот натижаларида маълум қилинмоқда.

Тадқиқот 10 кун давом этди ва бу вақт мобайнида гарбий Европанинг катта қисми аҳолиси хаддан ташқари иссиқдан азият чеккан. “Иқлим ўзгариши туфайли об-ҳаво одатдагидан анча иссиқ бўлди, бу эса аҳоли учун катта хавф туғдирмоқда”, деди Лондон Империял коллежи тадқиқотчиси доктор Бен Кларк.

Қайд этилишича, гарбий Европа тарихидаги энг иссиқ июнни бошдан кечирган.

Асосий энергия Қуёшдан олинди

“Reuters” мухбирининг хабар беришича, жорий йил июнь ойида қуёш нури биринчи марта Европа Иттифоқида асосий энергия манбаига айланди. Шу тариқа у атом ва шамол энергетикасини ортда қолдирди.

Июнь ойида қуёш энергиясининг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 22,1 фоизни ташкил этган. Европа Иттифонининг камида 13 давлати, жумладан, Германия, Испания ва Нидерландия қуёш панеллари орқали электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича энг юқори ойлик кўрсаткичга эришди.

“Bloomberg” маълумотларига кўра, 10 июль куни Францияда қуёш энергиясини ишлаб чиқариш рекорд даражага этди.

Норин дарёси бўйида динозаврлар қолдиқлари топилди

“24.kg” мухбирининг хабар беришича, Норин дарёси бўйида Ер юзининг ҳеч бир қисмида ҳали учрамайдиган динозаврлар қолдиқлари топилди.

Қирғизистон Миллий фанлар академиясининг Геология институти директори вазифасини бажарувчи Исаак Бакировнинг айтишича, 2025 йилда Германия ва Англиядан келган хорижлик археологлар билан биргаликда экспедициялар ташкил этилган. Натижада Ташкўмир шаҳри ҳудудида ўрганилиши керак бўлган Юра даврига оид янги жойлар топилди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили Ташкўмир ҳудудидан тероподлар гуруҳига кирувчи йиртқич динозаврларнинг янги тури топилган эди.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ФАЙЗЛИ ВА НУРАФШОН КЎЧАЛАР



Қўқон шаҳрининг марказий кўчаларида замонавий мезонлар асосида безаш ҳамда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Латиф шаҳарнинг Туркистон, Янги Чорсу, Алишер Навоий, Усмон Носир, Фаробий номи билан аталадиган кўчаларини безаш учун биргина “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 3 миллиард сўм ажратилди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тунги иллюминациялар ўрнатилмоқда.

Қулайлик

— Шаҳримиз сўнгги йилларда турли фестивал ва нуфузли халқаро анжу-

манлар марказига айланди, — дейди Қўқон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бўлим бошлиғи Акмалжон Ҳайдаров. — Бу каби савй-харакатлар маҳаллий ва хорижлик сайёҳларга янада

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ЁШЛАРГА ЖЎШҚИН ИЛҲОМ БАҒИШЛАГАН АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Семинарнинг тантанали ёпилиш маросимида мутасадди ташкилотлар томонидан иштирокчиларга семинар статуткаси, сертификат, эсдалик совгалари топширилди.

— Аъна бу йил ҳам давом этмоқда. Бу рағбатлантиришлар сиз, азиз ёшларга берилган кичик бир бўнак, деб қабул қилгайсиз. Зеро, асл адабиётнинг асл баҳосини берадиган бўлсак, дунё хазинаси етмайди. Адабиёт ана шундай қудратли кучга эга, — деди Жиззах вилояти ҳокими ва-зифасини бажарувчи Улуғбек Мустафоев.

Дарҳақиқат, ёшларни юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан ақиндан таништириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг буюк тарихи ва маънавий меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш каби эзгу мақсадларни ўзида мужассамлаштирган анжуманнинг натижаси хайрли бўлишига шубҳа йўқ.

Хўш, бу ҳақда семинар иштирокчиларни қандай фикрда?

— Мен ушбу анжуманга Қорақалпоғистон Республикаси ёшлари орасидан саралаб олинган иштирокчилардан бири сифатида қатнашганимдан хурсандман, — дейди ёш ижодкор **Гўзал Жумамуратова**. — Очиги, бу ерга келиб, Зомин тоғларининг гўзаллигидан хайратга тушдим. Саратоннинг жазирама иссиғи авжига чиққан бир паллада бу гўшадаги салқинлик, маънавий оқаётган зилол сувлар, яшил арзачорлар бағридаги сирли гўзаллик ҳар



қандай одамни мафтун қилиб қўяди. Бу ерда ижод қилмаслик мумкин эмас. Бутун дунёнинг ташвишларини йиғиштириб қўйиб, ижод, ижод ва яна ижодга шўнғигиси келади одамнинг. Бундай гўзалликлар ичида ижодкор инсонлар, албатта, гўзаллик яратади. Шундай жаннатмонанд жойда етарли шароитлар яратиб бериб, биз, ёшларни қанотларим, деб улуғлаётган, ўзимизга ишончимизни ошириб, янги марралар сари чорлаётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Жиззахлик ёш носир **Ўткир Бурхонов**нинг фикрларига қулоқ тутамиз.

— 2025 йилги Зомин семинаридан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлди. Устозларнинг ҳар бир иштирокчи билан индвидуал шуғулланишлари, фикр-мулоҳазаларимизни эшитиш, тўғри йўналиш беришлари менга жуда маъқул келди, — дейди у. — Юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ёшлар ўрта-сида фикр алмашдик. Машғулот-

лар мобайнида ҳам, бўш вақтимизда ҳам адабиёт ҳақида турли суҳбатлар бўлди. Бунда ҳар бир иштирокчи ўз ижод намунасини ўқиши ва уни бошқа тенгдошлари таҳлил қилиши, ютуқ ва камчиликларини айтиши, қизиқарли бахслар уюштирилиши натижасида ҳар биримизнинг адабиёт ҳақидаги қарашларимиз бирмунча янгиланди. Соф, ҳақиқий бадиий адабиёт қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги билимларимиз бойиди.

Нигоҳимизни “Бадиий публицистика” йўналишида ижод қилаётган **Муслима Пардабоева**га қаратамиз.

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, адабиёт — халқнинг юраги бўлса, миллий матбуотимиз — давр виждони. Президентимиз ташаббуси ва яратиб берган имкониятлари доирасида бошланган ва йиллар мобайнида давом этиб келаётган семинар ниятда кўтаринки руҳда ўтди. Таниқли адиблар, адабиётшунос олимлар, публицист ва таржимон-

лардан иборат устозлар олиб борган маҳорат сабоқлари биз учун ҳақиқий мактаб бўлди. Зомин мактабидан олган сабоқларимиз йўлларимизни ёритувчи чирок бўлишига ишонаман.

— Ёшлар кунини муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида қатнашиб, Президентимизга адабиёт туризмининг ташкил қилиш ҳақида таклифимни айтиш бахтига муяссар бўлдим, — дейди семинарнинг “Бадиий таржима” йўналишида қатнашган ёш таржимон **Нилуфар Рухиллаева**. — Чет элларда Ўзбек адабиётини тарғиб этиш учун миллий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга таржима қилиб, юртимизда адабиёт туризмининг ривожлантириш орзуси билан яшайпман.

Дарҳақиқат, ижодкор ёшларимизнинг орзу-интилишлари юксак. Зомин семинари уларнинг ният-истакларига қанот бериши, шубҳасиз.

— Баъзида инсонга ҳаракатдан тўхтаб, фикрлаш керак бўлади. Зомин — айнан шундай макон. Бу ерга келган ёшлар, аввало, ташқи оламдаги шовқиндан, замонавий ҳаётнинг тезлигидан, ўзларини жамиятга исботлашга қаратилган доимий курашдан бир муддат аж-

ралишади. Бу ажралиш эса уларга ўз “мен”ини эшитиш, англаш ва тушунишга имкон беради, — дейди яна бир иштирокчи **Махлиё Хуррамова**. — Зомин мактабининг энг катта ютуғи — бу ерда ҳар бир ёш шахс сифатида қадрланади. Биздан жавоб эмас, фикр сўралади. Биздан тўғри йўл талаб қилинмай, ўз йўлимизни топишимиз кутилади. Семинар — ёшлар онгини тайёр ғоялар билан тўлдириш эмас, балки уларга саволлар бериш орқали ўз фикрларини шакллантириш имкониятидир.

Зомин — ёшлар онгида илдиз отаётган, лекин ҳали гулламаган фикрлар учун ҳосилдор замин. Бу ерда ҳеч ким сендан мукамаллик кутмайди — лекин ичингдаги ҳақиқатга садоқат кутишади. Семинар менга илҳом ва энг муҳими, ҳаракатда бўлишга ишонч берди. Келгусида бу ерда олган тажрибаларимни амалда қўллашга ҳаракат қиламан, билим ва салоҳиятимни мунтазам бойитиб бораман. Ижодимни янада чуқурлаштириш, ёзганларимни жамоатчиликка тақдим этиш, кўпроқ ўқиш ва ўрганиш — буларнинг барчаси Зомин семинарининг менга берган бир умрлик сабоқларидир.

СИРДАРЁ БЎЙЛАРИДА

Юртимизда етиштирилган полиз маҳсулотлари, хусусан, Мирзачўл қовунларининг дунёга донғи кетган.

Қовун экспорти жугрофияси кенгаймоқда

Мирзачўл воҳаси қовунлари шу кунга қадар Австрия, Германия, Латвия, Литва, Норвегия, Польша, Қозоғистон, Россия ва бошқа давлатларга экспорт қилинди. Мавсум давомида харидор мамлакатлар сони янада ортиши кутилмоқда. Зеро, ушбу полиз маҳсулотининг утган йилги экспорт жугрофиясида Буюк Британия, Хитой, Мўғулистон, БАА, Қозоғистон, Япония каби 17 та мамлакат қайд этилган эди.



Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт талабларига мос равишда етиштириш муҳим аҳамиятга эга.

— Полиз екванларини парваришлаётган деҳқон-фермерлар қовун маҳсулотларида учрайдиган зараркунанда ҳашаротлар ҳамда касалликларга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда тавсия ва тушунчалар бериб бораёмиш. Ва ушбу сазъ-ҳаракатларимиз кутилган самарани бераётди, — дейди Сирдарё вилояти ўсимликлар карантини ва химояси бошқармаси бўлим бошлиғи Умид Абдурайимов.

Маълумот учун айтиш жоиз, жорий йилда Сирдарё вилояти бўйича 11 725 гектар майдонда қовун етиштирилмоқда.

«Шукроналик» боғида мумтоз куй-қўшиқлар янграйди

Янгиер шаҳрида яна бир истироҳат боғи ташкил этилмоқда. Унинг лойиҳасида спорт-соғломлаштириш йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, айни пайтда қурилаётган 7 километрлик пийёдалар йўлагини ва югуриш машқларини бажариш учун қулай имконият яратади. Дам олиш масканида болалар учун бир эмас бир неча ўйингоҳ ҳамда ўзига хос кўринишдаги фаввора бунёд қилинмоқда.



Эътиборлиси, “Шукроналик” боғига ўрнатилаётган радиоканрайлар орқали мумтоз миллий куй-қўшиқлар мунтазам янграб туради.

— Худудимизда “Шаҳар — одамлар учун” лойиҳаси доирасида яшил майдонлар, аҳоли дам оладиган масканлар ташкил этилаётганидан мамнунмиз, — дейди “Нуроний” жамғармасининг Янгиер шаҳар бўлими раиси Юсуф Саматов. — Масалан, жорий йилда Фазилат маҳалласида 2 гектар майдонга эга “Янги Ўзбекистон Конституцияси боғи” очилди. Соя-салқин манзилларга 50 га яқин ўриндиқлар ўрнатилди, 2 та WI-Fi ҳудуди, шахмат, робототехника марказлари ташкил қилинди. Бундан ташқари, Жанубий Мирзачўл канали соҳилини гастрономик туризм маркази ҳамда Тинчлик кўчасини “24/7 кўча”сига айлантириш бўйича ишлар якунига етказилади.

Макулатурага эмас — зиё масканига

Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона маркази аҳолига хонадонларида ва шахсий кутубхоналаридаги фойдаланилмаётган адабиётларни макулатурага эмас, мазкур муассасага топшириш бўйича мурожаат билан чиқди.

— Бу билан кутубхоналарнинг адабиёт фондини бойитиш орқали кўплаб дурдона асарларни ўз ичига олган ноёб китоб нусхаларини сақлаб қолишни ҳам мақсад қилганимиз, — дейди Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Муҳиддин Таштанов. — Чунки қайсидир хонадонда тўпилган қолган ва узок вақтдан буён фойдаланилмаётган адабиётлар макулатурага топширилганда улар орасида ҳар доим бебаҳо ҳисобланадиган китоблар ҳам кўплаб учрайди. Аксарият ҳолларда эса улар яхши сақланган ва мутолаага тўлиқ ярокли бўлади.



Яна бир муҳим жиҳат. Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона марказининг мурожаатида аҳолидан қабул қилинадиган адабиётлар ҳомийлик маблағлари ҳисобидан сотиб олиниши айтилган. Эътиборлиси, ушбу тобора иш бошланган дастлабки кунларда қоҳили томонидан мазкур зиё масканига 2 620 дона китоб топширилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ҲАЛОҲЛИК ВА РОСТГҶЙЛИК — КОРРУПЦИЯ КУШАНДАСИ

Коррупция — хизмат вазифасини суиистеъмор қилиш, ундан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ энг хавфли жиноят тури ҳисобланади. У жамият ҳаётини исканжага оладиган иллатдир. Мазкур иллат мамлакатдаги демократия ва ҳуқуқ устуворлигига путур етказиб, инсон манфаатлари бузилишига сабаб бўлади. Айниқса, унинг жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсири жуда катта. Энг хавфли жиҳати шундаки, у мамлакатдаги барқарорликни издан чиқаради.

■ Бугуннинг гапи

Ҳозирги кун нуқтаи назари билан қарайдиган бўлсак, дунёдаги барча давлат, халқ, қолаверса, бутун инсоният ундан жабр кўрапти, десак, муболаға эмас. Ачинарли томони шундаки, эндиликда коррупция маълум бир тармоқ доирасида эмас, аллақачон бутун дунё иктисодий-ижтимоий соҳаларини қамраб олмақда. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунё иктисодиёти коррупциядан 2,6 триллион доллар миқдорида зарар кўрмоқда. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу рақам ҳаёқон ялли маҳсулотининг тахминан 5 фоизига тенг. Ёки бу кўрсаткич эҳтиёжманд халқлар учун ажратиладиган гуманитар ёрдамдан 10 баравар ортқ экани кишини ташвишлантиради.

Хўш, тамағирлик, фибригарлик билан чатишиб кетган бу хавфли иллатни бартараф этишнинг, илдизи билан сугуриб ташлашнинг иложи йўқми? Нима сабабдан шунча чоралар кўриляётганига қарамай бундай ҳолатлар яна такрорланаверади?

Барчамиз одатда “Биз коррупцияга қаршимиз”, “Коррупция бўлмаган жойда адолат бўлади”, деган гапларни кўп эшитамиз. Телевидение ва ижтимоий тармоқларда ҳам коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг олди олинганда ҳамда уларга жазо қўлланилганда ҳақидаги кўрсатувларни кўп кузатамиз. Қолаверса, бугунги кунда қонунчиликда коррупцияга қарши кураш чоралари

янада кучайтирилмоқда. Бироқ ушбу иллатга қарши кураш тизими қанчалик тақомиллаштирилмасин, унга барҳам бериш қийин бўлмоқда.

Коррупция илдизига назар солсак, кўп ҳолларда раҳбар ёки сиёсат доирасидаги бюрократлар ушбу иллатнинг иштирокчилари бўлиб чиқади. Амалдорлар шахсий манфаат йўлида пора, совға кўринишдаги нарсаси-буюмларни олиб, коррупцияга сабабчи бўлади. Қонуний талабни тамағирлик асосидаги манфаатдорлик билан ижро этиш тизими барча соҳада мавжудлигини тан олиш керак.

Самарқанд вилояти прокуратураси уюшган жиноятчилик, коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган 4 ойида 48 нафар шахсга нисбатан 28 та жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ҳаракатлари аяқланиб, судга юборилган. Тергов давомида аниқланган, давлатга етказилган 13 миллиард сўм зарар тўлиқ ундирилиши таъминланган.

Ушбу муддатда 144 та коррупциявий жиноят иши тергов қилиниб, 210 нафар шахс жавобгарликка тортилган. Уларнинг 55 нафарини мактабгача ва мактаб таълими, 27 нафарини соғлиқни сақлаш, 17 нафарини банк тизими, 9 нафарини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, 8 нафарини маҳаллий ҳокимият органлари ҳодимлари ташкил этган. Шунингдек, 23 нафар ҳоким

ёрдамчиси, 5 нафар адвокат, 7 нафар солиқ соҳаси ҳодимининг ҳуфиёна жиноятлари фош этилган.

Эътибор қаратинг, “тамағир ҳоким ёрдамчиси” ёки “порахўр адвокат, солиқ ҳодими” деган иборани ишлатсак, албатта, улар учун ёқимли эмас. Аслида эса улар шундай “унвон”га муносиб эмасми? Ахир, 23 нафар ҳоким ёрдамчиси шу лавозимга “ҳалол ишлайман, давлат ва жамиятга фойда келтираман” деб ўтган-ку! Нега шундай қабих ишга қўл урди? Ким мажбур қилди? У фарзандлари, ота-онаси, қавму қариндошлари ва маҳалла-қўй олдида ким деган одам бўлди?

Бундай жиноятни содир этганларнинг ҳеч қайсиси оддий фуқаро эмас, барчаси давлат идоралари вакиллари, ишонч билан лавозимга қўйилган давлат хизматчилари. Хўш, уларни бунга нима мажбур қилди? Ойлик маоши қам эмас-ку! Шундай бўлса-да мансаб ва коллатидан фойдаланиб, оддий халқнинг ҳалол ризқига чанг солмоқда.

Вилоятда коррупцияга оид жиноятлар таҳлил қилиниб, жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотлар учун кенчиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Коррупция ҳақида ҳар бир нафар шахсларни рағбатлантириш тизими бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини жалдлаштиришга ҳам эътибор қаратилди.

Яна бир фикр. Бу иллатга қарши курашишда аҳолининг

ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳодимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳақида кўп гапирляпти. Телевидение, радио, газета ва ижтимоий тармоқлар тинимсиз бонг уряпти. Аммо самараси кўп сезилмаяпти. Чунки ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳақида айтилаётган гаплар асосан қозғода қолиб кетмоқда.

Дунёда эса бундай эмас. Масалан, Сингапурда давлат хизматчиларининг коррупцион ҳолатлар ҳақида хабар бериши қонун ҳужжатларида ҳам, амалиётда ҳам мустаҳкамланган. Уларга ҳаттоки таннархи арзимасган майда совгаларни олиш ҳам тақиқланган. Ҳар бир давлат таъминоти ҳар йили даромадлар декларациясини тақдим этади, шубҳа остига олинган даромадлар юзасидан суриштирув ўтказилади. Албатта, бу коррупциянинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёки коррупция кўрсаткичи паст бўлган Швеция давлатини олайлик. Бу ерда “даромадлар декларацияси” институти мавжуд эмас, аммо солиқ хизматида барча фуқароларнинг даромадлари ва харажатлари ҳақида тўлиқ маълумотлар мутассам. Унинг шафқатлиги таъминланган. Яъни ҳеч ким даромадидан яшириб бировга “пора” бера олмайдди. Даромадини нимага ва қанча ишлатгани ҳисоб-китоб қилинади.

Тўғри, мамлакатимизда ҳозирги кунда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишлари давом этмоқда. Қатор қонунларга ўзгартришлар киритилди ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Шундай экан, авваламбор, ўзимиз коррупцияга қарши курашиш борасидаги тушунчамизни, маънавий дунёқарашимизни янгилашимиз, ҳаётга теран нигоҳ билан қарашимиз лозим. Ахир, ҳалоллик инсоннинг зийнати-ку! Ошии ҳалол ейишга, фарзандларни ҳалол лўқма билан боқишга не етсин!

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Жорий йил апрель — июнь ойларида мамлакатимизга хориждан 3 миллиондан зиёд сайёҳлар ташриф буюрди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6